




**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги
“Талабалар кенгаши” тўғрисидаги**

НИЗОМ

2025



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ёшлар масалалари ва маънавий маърифий
ишлар бўйича биринчи проректор

О.Юсупжанов

2025-йил «01» июль

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги
“Талабалар кенгаши” тўғрисидаги

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги “Талабалар кенгаши” (бундан буён матнда “Талабалар кенгаши” деб юритилади) юридик шахс мақомига эга бўлмаган маслаҳат органи бўлиб, у ўз фаолиятида Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети раҳбариятига ҳисобдордир.

2. “Талабалар кенгаши” ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

3. “Талабалар кенгаши”нинг ваколат муддати – бир (1) йил. Ваколат муддати тугагач, янги чақириқ “Талабалар кенгаши” иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

4. “Талабалар кенгаши” ўз логотипи, аъзоларининг кўкрак нишонлари ҳамда белгиланган шаклдаги гувоҳномаларига эга бўлади.

5. “Талабалар кенгаши”нинг расмий номи:

а) давлат тилидаги:

тўлиқ номи – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Талабалар кенгаши; қисқартирилган номи – Талабалар кенгаши;

б) лотин ҳарфидаги: Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti huzuridagi Talabalar kengashi; қисқартирилган номи – Talabalar kengashi;

в) рус тилидаги:

тўлиқ номи – Студенческий совет при Университете мировой экономики и дипломатии қисқартирилган номи – Студенческий совет;

г) инглиз тилидаги:

тўлиқ номи – Students council under the University of World Economy and Diplomacy; қисқартирилган номи - Students council.

II. “Талабалар кенгаши”нинг мақсад ва вазифалари

6. “Талабалар кенгаши”нинг мақсади – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш, жамиятда ёшларни сиёсий фаол қатламга айлантириш ҳамда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини амалда бойитиш, талабаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, университетда маданий-маърифий, маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, лидерлик, ташаббускорлик ва уюшқоқлик кўникмаларини ривожлантириш, университетнинг ички ҳаётида фаол иштирок этиш.

7. “Талабалар кенгаши”нинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

7.1.Талаба-ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

7.2.Талабаларнинг сиёсий билимларини ошириш, уларда ватанпарварлик руҳини кучайтиришда вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилиш;

7.3.Ёшларнинг Кенгаш фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичларидан хабардорлигини ошириш;

7.4. Қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш юзасидан янги ва устувор йўналишларни белгилашда ёшларнинг фаоллигини ошириш;

7.5.Талаба-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

7.6.Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, уларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, эстетик, бадиий дунёқарашини кенгайтиришга кўмаклашиш.

7.7.Талабаларнинг муаммоларини ўрганиш ва ечими юзасидан таклифлар тайёрлаш;

III. “Талабалар кенгаши”нинг ҳуқуқлари

8. “Талабалар кенгаши” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.1. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мажлисларида иштирок этиш;

8.2. Тегишли халқаро ва хорижий ташкилотлар билан белгиланган тартибда ўзаро тажриба ва ахборот алмашишни амалга ошириш;

8.3. Қонунда тақиқланмаган манбалар ҳисобидан ўз бюджетини яратиш.

IV. “Талабалар кенгаши” аъзосини сайлаш

9. “Талабалар кенгаши”нинг Васийлик Кенгаши (бундан буён матнда Васийлик Кенгаши деб юритилади) “Талабалар кенгаши”га сайловни ўтказиш учун тузиладиган факультет комиссияларига бошчилик қилади ва ушбу Низомга мувофиқ сайлов ўтишини таъминлайди.

Васийлик Кенгаши таркиби қуйидаги вакиллардан шакллантирилади:

1. ЖИДУ битирувчилари;
2. ЖИДУ иқтидорли юқори босқич талабалари.

10. “Талабалар кенгаши”га сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун университет комиссияси томонидан сайловга камида ўн беш кун қолганида факультет комиссияси тузилади.

Факультет комиссияси таркиби қуйидаги ташкилотларнинг вакилларидан шакллантирилади:

1. Факультет декани;
2. Факультет декани муовинлари;
3. Тьюторлар.

Факультет комиссиялари тегишли сайланган аъзолар университет комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

11. Сайлов бошланганлиги аввалги чақириқ “Талабалар кенгаши” аъзоларининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин университет комиссияси томонидан эълон қилинади.

12. “Талабалар кенгаши”га аъзолик учун сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси факультет комиссиясига ёзма шаклда анкета тақдим этиши мумкин.

Ушбу Низом талабларига мос келадиган анкета эгалари икки босқичда сайланади.

13. Биринчи босқичда номзодларнинг анкеталари факультет комиссиялари томонидан сараланади. Комиссия номзодларни сайлашда анкетада берилган саволларга берган жавобларидаги қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратади:

қонунчилик соҳасидаги сўнгги янгиликлар;

давлат бошқарувига оид билим ва тасаввурлар;

жамиятимизда амалга оширилаётган сўнгги ислохотлар ҳақидаги қарашлар;

ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг даражаси.

Биринчи босқич якуни бўйича Комиссия 5 нафар номзодни яширин овоз бериш йўли билан сайлайди.

14. Иккинчи босқичда номзодлар сайлов олди дастури тақдимоти билан тегишли факультет комиссияларининг суҳбатидан ўтказилади. Тегишли факультет комиссиялари 1 нафар номзодни яширин овоз бериш йўли орқали сайлайди.

Сайловда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

номзодларнинг сайлов олди дастурлари ёшларга оид муаммолар ва таклиф этилаётган ечим йўллари;

номзодларнинг нотиқлик маданияти, лойиҳа мазмунини тингловчиларга етказиши;

билимли ва ҳозиржавоблиги.

15. Ҳар бир босқич якуни бўйича баённома расмийлаштирилади ва Комиссия раиси томонидан имзоланади. Баённоманинг бир нусхаси университет комиссиясига тақдим этилади.

16. Шунингдек, сайланган ёшлардан ташқари факультетлардан сайланган 1 нафардан иборат ёшлар “Талабалар кенгаши Раиси” лавозими учун сайловда иштирок этишга тавсия қилинади.

17. Факультет комиссияси “Талабалар кенгаши Раиси” лавозимига сайловда қатнашиш учун тавсия этишда талабанинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратади:

сиёсий ва ҳуқуқий фаоллиги (лойиҳаларни ташкил этганлиги ёки иштироки);

давлат бошқаруви, ёшларга оид давлат сиёсати, суд-ҳуқуқ, маданият, спорт, фан-таълим соҳалари самарадорилигини оширишга доир илмий қўлёзмалар, мақолалар ва қўлланмалар ёзганлиги ёки ҳаммуаллифликда иштирок этганлиги;

давлат мукофотларига сазовор бўлганлиги;

турли фан-таълим, маданият, спорт ва бошқа соҳалардаги мусобақалар, олимпиадалар, беллашувлардаги муваффақиятлари;

ОАВдаги фаоллиги, ўзининг ортидан ёшларнинг эргаштириш салоҳияти;

жамиятдаги бошқа соҳалардаги кўрсатган фаоллиги.

V. “Талабалар кенгаши” аъзосининг мақоми

18. “Талабалар кенгаши”нинг аъзоси “Талабалар кенгаши”нинг ваколатлари муддатига жамоатчилик асосида сайланади. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети “Талабалар кенгаши”нинг аъзоси бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатаси депутати, Сенат аъзоси ёки ҳудудий ва маҳаллий депутатлари бўлиши мумкин эмас.

19. “Талабалар кенгаши”нинг аъзосига университет “Талабалар кенгаши” комиссияси томонидан гувоҳнома ва кўкрак нишони берилади. Аъзо гувоҳнома ва кўкрак нишонидан ўз ваколатлари муддати мобайнида фойдаланади.

20. “Талабалар кенгаши” аъзосининг ҳуқуқлари:

20.1. “Талабалар кенгаши” координаторлигига сайлаш ва сайланиш;

20.2. “Талабалар кенгаши” мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этиш;

20.3. “Талабалар кенгаши” мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдириш;

20.4. “Талабалар кенгаши” томонидан сайланадиган шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдириш;

20.5. “Талабалар кенгаши” мажлисидаги мунозараларда иштирок этиш, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар бериш;

20.6. Ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқиш ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ бериш;

20.7. “Талабалар кенгаши” мажлисида раислик қилувчига мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклифи ёки мулоҳазаси матнини топшириш;

20.8. “Талабалар кенгаши”нинг аъзоси тегишли мажлисларида кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

21. “Талабалар кенгаши” аъзосининг мажбуриятлари:

21.1. Амалдаги қонун ҳужжатларига, ушбу Низом талабларига тўлиқ риоя қилиш, шунингдек, “Талабалар кенгаши”нинг қарорларини бажариш;

2. “Талабалар кенгаши”нинг асосий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

21.3. “Талабалар кенгаши”нинг мажлисларида қатнашиш, овоз беришда “Талабалар кенгаши” Регламентида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиш;

21.4. “Талабалар кенгаши”нинг мажлисларида ҳамда кўмита мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда, бу ҳақида “Талабалар кенгаши”га хабар қилиш;

21.5. “Талабалар кенгаши”нинг талаба-ёшлар ўртасида ва жамиятда таъсир кучи ҳамда обрўсини оширишга ўз ҳиссасини қўшиш;

21.6. “Талабалар кенгаши” фаолиятини тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш;

21.7. Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасидаги кўникмаларини шакллантиришни тарғиб қилиш;

21.8. “Талабалар кенгаши”нинг барча тадбир, дастур ва лойиҳаларида фаол қатнашиш;

21.9. “Талабалар кенгаши”нинг олдига қўйилган вазифаларни мустақил ҳал этишда “Талабалар кенгаши” Раиси билан келишиш ва бу фаолият ҳақида хабардор қилиб бориш;

21.10. Аъзоларнинг зиммасида қонунларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

22. “Талабалар кенгаши” аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:

22.1. У ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

22.2. У қонунга кўра “Талабалар кенгаши” ваколатларини амалга оширишига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда;

22.3. У Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари сафидан четлаштирилган тақдирда;

22.4. У вафот этган тақдирда.

Шунингдек, “Талабалар кенгаши” аъзолигидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала “Талабалар кенгаши” мажлисида кўриб чиқилиб, унинг умумий сонининг кўпчилики овози ҳал этилиши мумкин.

VI. “Талабалар кенгаши” фаолиятини ташкил этиш

23. “Талабалар кенгаши” фаолиятининг ташкилий шакли унинг қоида тариқасида, йилига камида тўрт марта ўтказиладиган ялпи мажлисларидир. “Талабалар кенгаши” мажлислари очиқ ва ошкора ўтказилади.

“Талабалар кенгаши” мажлисларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби “Талабалар кенгаши” Регламентида белгиланади.

24. “Талабалар кенгаши” киритилган масалалар юзасидан, шунингдек “Талабалар кенгаши”нинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

“Талабалар кенгаши” қарорлари “Талабалар кенгаши” аъзолари умумий сонининг кўпчилики овози билан қабул қилинади.

25. “Талабалар кенгаши” Раиси:

25.1. “Талабалар кенгаши”нинг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

25.2. “Талабалар кенгаши” муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

25.3. “Талабалар кенгаши” қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

25.4. “Талабалар кенгаши” томонидан ишлаб чиқилган ва маъқулланган ёшларга оид таклифларни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети раҳбариятига тақдим этади;

25.5. “Талабалар кенгаши” халқаро алоқалар бўйича тарафлар билан ўзаро келишган ҳолда ҳамкорликка киришади;

25.6. “Талабалар кенгаши” қарорларини имзолайди;

25.7. “Талабалар кенгаши” қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

25.8. Талабалик сафидан четлаштирилаётган талабалар буйруқларига вето қўйиш ҳуқуқига эга;

25.9. Ўз ваколатлари доирасида бошқа масалаларни ҳал этади.

26. “Талабалар кенгаши” томонидан унинг аъзолари орасидан “Талабалар кенгаши”нинг ваколатлари муддатига департаментлардан иборат таркибда қўмиталар тузилади.

“Талабалар кенгаши”да қуйидаги департаментлар тузилади:

26.1. Кенгаш Раиси — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари манфаатларини маъмурият ва бошқа манфаатдор ташкилотлар олдида ҳимоя қилувчи биринчи шахс ҳисобланади. Кенгаш Раиси Кенгаш аъзолари ва Талабалар кенгаши стратегиясини белгиловчи ва бошқарувчи шахс ҳисобланади.

Кенгаш Раиси Кенгаш қарорлари асосида ҳар бир аъзонинг ишини тартибга солади. У департаментларга аниқ вазифалар қўйиши ва топшириқларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатади.

Кенгаш Раиси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Илмий Кенгашининг расмий аъзоси сифатида кўриб чиқилиши ва талабаларнинг муаммолари бўйича вето ҳуқуқига эга.

26.2. Раиснинг биринчи ўринбосари — Талабалар кенгаши Раисига яқиндан кўмаклашувчи ва унинг йўқлигида (сафари, таътилда бўлиши, касаллик ҳолати ва бошқа асосли сабаблар) унинг вазифаларини вақтинча бажарувчи масъул шахс ҳисобланади.

Кенгашнинг ички фаолиятини мувофиқлаштириш ва департаментлар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлайди.

26.3. Раис ўринбосари — Талабалар кенгаши Раисига ҳужжатлар билан ишлаш, ташкилий ва маъмурий фаолиятни мувофиқлаштириш, шунингдек, Кенгаш ишларининг самарали ташкил этилишида амалий ёрдам кўрсатадиган масъул шахс ҳисобланади.

Кенгаш фаолиятига оид низом, қарорлар, буйруқлар ва бошқа расмий ҳужжатларни тайёрлайди ва юритади.

26.4. Матбуот котиби (Медиа ва ахборот бўйича масъул шахс) — Раиснинг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланиб, Кенгаш фаолиятини доимий равишда ёритиш учун жавобгар ҳисобланади.

Ижтимоий тармоқларда (Instagram, Telegram, Facebook ва бошқалар) Талабалар кенгаши саҳифаларини юритади ва мунтазам янгилаб боради.

26.5. Илмий-тадқиқот масалалари бўйича координатор — талабаларнинг илмий мақолаларини жаҳоннинг етакчи журналларида чоп этишга кўмаклашади. Университет профессор-ўқитувчилари кўмагида илмий нашрлар йўналишида маҳорат дарсларини ташкил этиш бўйича яқиндан иш олиб боради.

26.6. Ташқи алоқалар масалалари бўйича координатор — Талабалар кенгашининг ташқи ташкилотлар, маҳаллий ва халқаро таълим муассасалари, талабалар иттифоқлари ҳамда бошқа ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш учун масъул ҳисобланади.

26.7. Талаба хотин-қизлар масалалари бўйича координатор — Талабалар кенгашида талаба хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари ҳамда ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлашга масъул шахс ҳисобланади.

Маслаҳатчи талабалар хотин-қизлар билан боғлиқ ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий масалаларни кўриб чиқишда ташкилий ва амалий ёрдам кўрсатади.

26.8. Волонтерлик масалалари бўйича координаторлар — ЖИДУ кўнгиллилар рўйхатини шакллантиб, уларни Ўзбекистондаги муҳим сиёсий жараёнларда волонтер-таржимон сифатида фаолият олиб боришини таъминлайди.

Университетдаги волонтерлик фаолиятини тизимли ташкил этиш, талабаларнинг жамоатчилик ишларида фаол иштирокини таъминлаш ҳамда тадбирларда волонтерлар ишини самарали йўлга қўйиш мақсадида ушбу йўналишда икки нафар координатор фаолият юритади:

Биринчи координатор – волонтерлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг имкониятлари ва қизиқишлари асосида йўналишлар бўйича гуруҳларга ажратиш, тадбирларга жалб этиладиган волонтерлар базасини янгилаб бориш учун масъул.

Иккинчи координатор – тадбирлар пайтида волонтерларни йиғиш, уларга вазифалар тақсимлаш, фаолият жараёнини назорат қилиш ва бошқариш учун жавобгар.

Ушбу икки координатор ўзаро ҳамкорликда иш юритади ҳамда волонтерлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни ташкилотчи ва иштирокчилар ўртасидаги боғловчи бўғин сифатида мувофиқлаштириш учун масъулдирлар.

26.9.Чет тиллар масалалари бўйича координатор — ЖИДУнинг хорижий тиллар кафедралари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Унинг асосий вазифаси талабалар ўртасида хорижий коммуникатив компетенцияни шакллантириш ҳисобланади.

26.10. Спорт масалалари бўйича координатор — университетдаги барча спорт тадбирлари ҳамда спорт клублари учун масъул ҳисобланади.

26.11.Ташкилий масалалар бўйича координатор — Талабалар кенгашининг маъмурий-ҳуқуқий базасини сақлаш учун масъул бўлиб, департаментлардан бирининг мурожаати бўйича турли тадбирларни ўтказишга ёрдам беради. У тадбирларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва уларнинг муваффақиятли ўтиши учун зарур бўлган барча ташкилий ишлар билан шуғулланади.

26.12.ТТЖда истиқомат қилувчи талабалар масалалари бўйича координатор — Талабалар турар жойи сектори бошлиғи ҳисобланиб, у ерда истиқомат қилувчи талабалар ташаббусларини етказишда асосий вазифани бажарувчи ҳисобланади.

26.13. Талабалар таклиф ва мурожаатлари маркази координатори — Талабалар кенгаши таркибида талабалардан келиб тушадиган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва муаммоларни тизимли равишда ташкил этади ва талабалар манфаатларини ифода этишда муҳим роль ўйнайди.

Мурожаатлар асосида аниқланган муаммолар бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш юзасидан Раис ва Кенгашга таклифлар киритади.

26.14.Маданиятлараро ҳамкорлик ва туризм масалалари бўйича координатор — талабаларнинг халқаро ва миллий маданий тадбирларда фаол иштирокини таъминлаш, университетда маданий хилма-хиллик муҳитини


яратиш ҳамда ички ва ташқи туризм лойиҳаларини ташкил этиш билан шуғулланади.

Талабаларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш ҳамда миллий маданий меросга бўлган қизиқишни кучайтириш мақсадида мамлакатимиз ҳудудларида турли маданий ва туризмга оид сафарларни ташкил этади.

VII. Яқунловчи қоидалар

27. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университет ректори томонидан “Талабалар кенгаши” аъзоларига давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларга ишга қабул қилинишлари жараёнида тавсифномалар берилиши мумкин.

28. “Талабалар кенгаши” қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.



**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги
Талабалар кенгаши аъзолигига номзод учун**

AHKETA

Ф.И.Ш.

Туғилган йили, ойи, кун

Жинси, миллати

Ўқиш жойи, факультети

/

Қайси йўналиш маслаҳатчилиги учун ўз номзодингизни қўймоқчисиз?

Боғланиш учун алоқа манзили (телефон/почта/ижтимоий тармоқ)

Қизиқишларингиз ҳақида маълумот беринг (50 та сўз)

[illegible]

Эришган ютуқларингиз тўғрисида маълумот беринг (100 та сўз), олган ташаккурнома, диплом ёки фахрий ёрлиқларингизни кўчирмасини илова шаклида тақдим этинг

This image shows a blank sheet of white paper with horizontal blue or grey ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page, typical of notebook paper. There are no margins, text, or other markings on the page.

Нимага сиз ЖИДУ “Талабалар кенгаши” аъзоси бўлишга лойиқсиз?
(иншо-150 та сўз)

This image shows a single sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.